

“Ҳандалак” гуруҳи:

“КАТТА ТАНАФФУС” ТУГАДИ!



4



КЕЧИКМАГАН БАХТ

5

ёхуд иккинчи турмушнинг муштрали

АРМОН ВА
БАХТ ОРАСИ



6



ЎзА сурат-лавҳаси.

МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР ЎЗЛИКНИ АНГЛАТУВЧИ КЎЗГУГА ҲАМ ҲАМ

Муҳтарам юртдошлар!

Оилангизнинг яна бир сирдош, дилдош дўстига айланиб қолган севимли газетангизга обуна давом этмоқда!



Обуна индекс — 176

ЭҲТИРОМ САОДАТИ

Президентимиз раҳнамолигида юртимизда кекса отахон ва онахонларга, шу жумладан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига сазимий ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиши, уларнинг фаровон ҳаёт кечирishiлари учун барча шарт-шароит ва кенг имкониятлар яратиши, айниқса, сиҳат-саломатлигини тиклашига алоҳида ғамхўрлик кўрсатишмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 13 октябрдаги “1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу борадаги эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Республикамизнинг барча ҳудудларида мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш, шунингдек, Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан қатор

хайрли ишлар амалга ошириляпти. Умргузаронлик қилаётган уруш қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийлари биринчи навбатда чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Уларнинг ҳар бирига санаторий-курорт карталари очилиб, соғломлаштириши марказларига йўлланмалар ажратилмоқда.

— Биз кексаларга кўрсатиляётган бундай олижаноб ҳурмат ва эъзоздан бошимиз осмонга етмоқда, — дейди Тошкент шаҳар Яшнобод тумани Муқимий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Файзи ота Жўраев мамтунлик билан. — Насиб этса, яқинда 89-баҳорни қаршилайман. Худойимга минг қатла шукур, ҳеч нарсадан камим йўқ, соғлигим яхши, руҳим тетик, бардамман. Буларнинг бари тинчлик, осойишталик ва фаровонлик туйфайли-да.

КАДРИЯТ

2015 йил — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

САБР-ҚАНОАТГА СУЯНГАНЛАР

Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги “Наққош” қишлоғида истиқомат қилаётган Сайфулло ота ва Розия ая Ҳикматова хонадонига кўпчиликнинг ҳаваси келади. Танитган билганлар уларнинг оиласини чинакам ҳаловат маскани, дея эътироф этишади.

— Ҳамиша қаноатга суюнганимиз учун тинчлик-тотувликда, ҳамжихатликда умр кечиряпмиз, — дейди Розия Ҳикматова. — Қолаверса, эр-хотин орасидаги ишонч, меҳр-муҳаббат оила бахтининг бардавонлигини таъминлайди.

— Ҳаётимиздан нолимаймиз, — дейди Сайфулло ота умр йўлдошининг гапларини тасдиқлаб. — Худога шукр, пиру бадавлатлик саодатига эришдик, кексалик ҳузур-ҳаловати насиб этди. Фарзандларимиз эл корига ярайдиган, бизга олқиш олиб келадиган инсонлар бўлиб етишишди. Бир ота-она, бир инсон учун бундан ортиқ бахт бўлмас керак.

Сайфулло ота уста дурадгор, Розия ая эса узоқ йиллар жамоа ҳўжалигида меҳнат қилган. Отанинг эл-юрт равнақи йўлидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланиб, “Шухрат” медалига сазовор бўлганлар.

Бу нуруний отахон ва онахон фарзандларининг ҳаммасини ўқитиб, касбу корли, хунарли қилиб вояга етказишди. Қизларини элга ибрату ўрнак қилиб тарбиялаб, муносиб хонадонларга узатишди.

— Аввало, она тарбияли, андишали, маънавиятли бўлсин, — дейди Розия ая. — Қиз бола онасида кўрганларини ўз феълига сингириб, улғаяди. Оқила, пазанда, чевар, рўзгор илмини пухта эгаллаган оналарнинг қизлари ҳам худди шундай фазилатларга эга бўлишади. Баъзан: “Фалончи иш билан овра бўлиб, қизига эътибор бермабди, тарбиясида оқсабди”, деган гапларни эшитсам, тўғриси, жаҳлим чиқади, хафа бўлиб кетаман. Ахир, иш, меҳнат, пул топиш, деган гаплар ҳамма замонда бўлган, бундан кейин ҳам бўлаверади. Бу бахоналар фарзанд тарбиясига эътибор бермасликка сабаб бўлолмайди. Мен кўп йиллар ҳўжаликда ишладим. Ипак қурти боқдим, ана шу захматли меҳнатим ортидан обрў-эътибор топдим. Фарзандларим ҳам бизларга қарашишди, ҳам ўқиб илмли, зиёли инсонлар бўлиб етишишди. Қиздир-ўғилдир, болани меҳнат тарбиялайди. Ҳар нарсанда меъёр бўлиши лозим. Боланинг, ай-

ниқса, қиз боланинг вақтини шундай тақсимлаш керакки, бир дақиқа ҳам бўш қолмасин. Бекорчи нарсаларга, бехуда ўй-хаёлларга вақт топмасин. Бадий китоб ўқишга ҳам, мактабдан берилган дарсини тайёрлашга ҳам, пазандачилиги тиқиш-бичишга ҳам қиз болани бирдек қизиқтириш зарур. Унга оддий уй бекаси, деб эмас, аксинча, бўлажак она, жамиятнинг бош бўғини — оила устун сифатида қараб, сихат-саломатлигига жиддий эътибор бериш зарур.

Хонадон аъзоларининг деярли барчаси халқ ҳўжалигининг турли жабҳаларида меҳнат қилишмоқда. Тўнғич қиз Инобатхон олий тоифали математика фани ўқитувчиси, “Шухрат” медали соҳибаси, Шарофатхон чевар, Шоирахон, Мўминахон, Дилдоракхонлар ўқитувчи, Аминахон шифокор.

Розия ая суҳбат орасида марҳума қизлари Шаҳодатхонни ёд этиб, кўзларига ёш олдилар. Шаҳодатхон опа Бухоро муҳандислик технологиялари институтиде илмий ходим сифатида фаолият кўрсатган эканлар. Ўғиллари Умиджон ва Умаржонлар ҳам ўқимишли, эл корига ярайдиган инсонлар бўлиб етишишган.

— Кексалик саодати ҳаммага насиб этавермайдиган бахт, пиру бадавлатликнинг сири жавоби мураккаб жумбоқ, — дейди Сайфулло ота. — Бутун ҳаётингиз давомида яшаш илмини ўзлаштириб бораверар экансиз. Фарзандларнинг эл корига яраганини, уларнинг оиласи тинч экани, хотиржам яшаётганини кўрганда йиллар давомида машаққат чекиб қилган меҳнатларингиз унутилади. Кексалик саодати, пиру бадавлатлик гашти шу-да, кизим. Унга эришиш осон эмас. Бунинг учун болалар тарбиясига масъулик, уларга ҳар жиҳатдан ибрат бўлишдек довонларни босиб ўтишга тўғри келади. Илоҳим, ҳаммага ўз жуфти билан пиру бадавлат бўлиш, қўша-қариб, кексалик саодатидан баҳраманд бўлиб фарзандлари, невараларининг иззат-иқромида яшашдек бахт насиб қилсин!

Бир этак неваралар, невара келин ва невара куёвларнинг бахти-иқболини кўриб, уларнинг муваффақиятларидан кўнгли тўлиб яшаётган Сайфулло ота ҳамда Розия аянинг хонадонидан қайтарганимиз, кўнглимиз бир олам ҳавас ва эзгу тилакка тўлди: илоҳим, юртимизда ана шу отахон ва онахондек пиру бадавлат кексалар, саодатли хонадонлар кўпаяверсин.

Умида АДIZОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.

ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

ОГОҲЛИК

Қулар совиши билан кўпчилик ҳамюртларимиз электр, газ ёки бошқа иситиш мосламаларига эҳтиёж сезишади. Ёнгинларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлил этилганда, аксарият ҳолларда ана шундай ускуналардан эътиборсизлик билан фойдаланиш оқибатида ёнгин содир бўлаётгани аниқланмоқда.

Масалан, ўтган йили содир бўлган ёнгинлар таҳлил этилганда, улар орасида иситиш мосламаларидан ноқонуний ва нотўғри фойдаланиш туфайли кўплаб хатарли ҳолатлар келиб чиққанлиги аниқланди. Тасаввур қилинг, ана шу ёнгинлардан 2 млрд. 767 млн. 625 минг сўм миқдорда зарар кўрилган. Энг ачинарлиси, инсонлар ҳаёти хавф остида қолган ва ҳатто ўлим билан боғлиқ ҳолатлар ҳам содир бўлган. Масалан, Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани А.Темур кўчасидаги Ж.Олимов, Фаргона вилояти, Кўкчи шаҳри, А.Исмоилов кўчасида яшовчи М.Усманов, Жиззах вилояти, Зомин тумани Қайирма маҳалласида яшовчи А.Абдурахмоновларнинг хонадонларида қўлбола иситиш мосламасидан ёки иситиш печларидан нотўғри фойдаланиш туфайли келиб чиққан ёнгинлар уйга жиддий зарар етказиш билан бирга, бу хонадонда истиқомат қилаётган инсонлар

ҳаётига хавф солган. Бундай кўнгилсиз воқеалар республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам кузатилган.

Бундан ташқари, ҳамюртларимиз томонидан табиий газда ишлайдиган иситиш ва бошқа мосламалардан нотўғри фойдаланиш ва техник қоидаларга риоя этмаслик натижасида газ ва ҳаво аралашмасининг қақнашлари, улар оқибатида ёнгинлар чиқиши ҳолатлари ҳам қайд этилмоқда. Ўтган йили республикамизда газ ва ҳаво аралашмасининг қақнашлари оқибатида 53 та ёнгин содир бўлган.

Бундай аянчли ҳолатларнинг олдини олиш ўзимизга боғлиқ. Газ, электр ва бошқа иситиш ускуналаридан фойдаланаётганда техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилсак, яқинларимиз ҳамда уй-ҳўяларимизни тилсиз ёв хавфидан асраган бўламиз.

Жалолиддин ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги бош
бошқармаси катта муҳандиси.



**ЗУЛФИЯХОНИМ
ИЗДОШЛАРИ**

**Гулбахор
ҚУБУЛОВА**

Наманган вилоятининг Норин туманида туғилган. 2005 йилда адабиётдаги ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган. “Элда бўлгум афсона”, “Бир ишқ яшар қалбимда” номли китоблари нашр этилган.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетини тамомлаган. Айни пайтда “Саодат” журналида бўлим муҳаррири сифатида фаолият юритмоқда.

МУНАВВАР ТОНГЛАРГА ЕТАМАН

*Мунаввар тонгларга етман бир кун,
Чеккан андуҳларим ортда қолади.
Исмингни унутиб кетаман бир кун,
Онам аллалари ёдда қолади.*

*Мунаввар тонгларга етман бир кун,
Омад остонами сунулар ҳали.
Сабримни қўлинига тутаман бир кун,
Бахт менинг ортимдан югурар ҳали.*

*Мунаввар тонгларга етман бир кун,
Ул тонгим кирмағай рўёларингга.
Жилмайиб кўчандан утаман бир кун,
Кулгумдан ўт кетар дунёларингга.*

*Мунаввар тонгларга етман бир кун,
Бахтларнинг бахтига сазовор бўлиб.
Ҳижрон водийсидан кетаман бир кун,
Қайтмайман боғингга Гулбахор бўлиб.*

АҲД

*Қиз учун шеър эмас дедилар,
Шеър тўйингга сепмас дедилар,
Бунда бахтинг чопмас дедилар,
Мен шоира бўлгум онажон.*

*Боқмадим ҳасаднинг афтига,
Чиқмадим ёлгоннинг тахтига,
Сиздайин муштипар бахтига,
Мен шоира бўлгум онажон.*

*Шунчаки қизмасман, жўнмасман,
Дунёнинг макрига кўнмасман,
Абадий ёнарман, сўнмасман,
Мен шоира бўлгум онажон.*

*Ғийбатдан оламан ўчимни,
Орқалаб қўйса ҳам кўчимни,
Сўз билан кўрсатиб кучимни,
Мен шоира бўлгум онажон.*

*Кетсам-да сиздан кўп ийроққа,
Тиз чўкиб шеър деган қийноққа,
Зўр бўлмай қайтмайман қишлоққа,
Мен шоира бўлгум онажон.*

ҲИСОБОТЛАР ФАҚАТ ЭЛЕКТРОН ШАКЛДА!

**Ҳўжалик фаолияти юритувчи
субъектлар диққатига!**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4453-сонли Фармони асосан, 2015 йил 1 январдан бошлаб барча молиявий ҳўжалик юритувчи субъектлар статистика ҳисоботларини топширишининг электрон тизимига ўтла ҳажмда ўтказилиши таъкидлаб ўтилган. Шу муносабат билан барча молиявий ҳўжалик юритувчи субъектларни Давлат статистика йиллик ҳисоботларини ўз вақтида, сифатли электрон тизим орқали ўтказишингизни сўраймиз. Йиллик давлат статистика ҳисоботларини топшириш муддатлари, ҳисобот номи ва шакллари тўғрисида WWW.STAT.UZ сайтдан тўлиқ маълумот олишингиз мумкин.

Мурожаат учун телефонлар:

Давлат статистика қўмитаси: 230-81-43
Тошкент вилоят статистика бошқармаси: 230-86-86
Ўрта Чирчиқ туман статистика бўлими: 230-87-09.

...Хамрак қишлоғида тун. Фақат битта уй деразасидан гира-шира нур таралади. Бунда Машрабхон исми қиз укаси Исмомилжон билан китоб ўқияпти. Отаси: "Бас, чироқни ўчириб дам олинглар", деганида, улар кичик хонага яширишиб, бадий асарлар ўқишадди. Мойчироқдан таралган шу заиф шуъла бир умр уларнинг ҳаёт йўллари нураланди.

Ташқир туманидаги "Қўрғонча" кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Машрабхон Ҳожиматова ўша кунларни бот-бот эслаб, барча рўшноликларига айнан оилада асос солинганига иймон келтиради. Беш болали хонадонда Тожибой ака ўз салобати, Шарофатхон ая эса юмшоқлиги билан тарбия берардилар. Айниқса, чаккасида районга тушмаган саришта аёл — Шарофат аянинг орасалиги, хонадондаги ибратли тутуми ҳақида ҳали-ҳали меҳр билан эслайдилар. Ҳатто оғилхонаси олдини ҳам гулзорга айлантирган фариштасифат бу аёл фарзандларини энг қаттиқ қўйганида: "Уйингга бугдой тўлғир-а", деб қўяр эди.

Машрабхон сал бошқароқ ўсди. Йигитларга хос шижоати, шаддолиги бор. Ўзи севиб ўқийдиган "Бўрондан кучли" романидаги Ойқиз образини ундан олингган андоза эди, ғўе. Айниқса, илмга чанқоқлиги билан тенгдошларидан яққол ажралиб турарди. Катъиятли феъли қўл келиб, қизларнинг ўқиши унчалик урфга кирмаган бир даврда Марғилон педагогика билим юртига ўқишга кирди. Шу даргоҳда ўқиб юрган пайтларида чиройли хулқи туфайли олий маълумотли, лекин ота касбини давом эттираётган новвой йигит Раҳматиллонинг унга меҳри тушди. Қизниқига совчилар юборди.

Дадаси Тожибой ака казо-казо харидорлар ичидан амал-тақал қилиб рўзгор тебратаётган қўрғончаллик новвойнинг ўғлини танлаганида, яқинлари иддао қилганлар рости. Ота эса

“ҚЎРҒОНЧА”НИНГ БЕКАСИ

ёхуд қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Машрабхон Ҳожиматова сийратига айрим чизгилар

узокни ўйлаб мулоҳаза қилди: "Бу боланинг палаги тоза, ризқини Худонинг ўзи беради. Ҳали кўрасизлар, бешта ўғил бир бўлсин-а!". Машрабхоннинг эса шарт битта, у ҳам бўлса ўқишини давом эттириш эди. Шундай қилиб, у ўн етти жондан иборат катта рўзгорга келин бўлиб тушди.

Тушган оиласи лафзи ҳалол инсонлар экан, Машрабхон Фаргона давлат университетининг филология факультетидан сирдан ўқий бошлади. Қийинчиликлар озмунча бўлмади, лекин ўзи ҳам қараб тургани йўқ. Келин бўлиб тушган йиллик томорқага помидор экиб, қайнотасини аранг кўндириб, ўзи бозорга олиб чиқди ва даромадига битта бузоқчани етаклаб келди...

Учта болали бўлганда ўқишни биттириб, Қўрғончадаги биринчи олий маълумотли аёл бўлди. Ўша йиллари унга катта мадад бўлган, болаларини тарбиялашда кўмаклашган қайнонаси Турсунхон ая ҳамда қайнотаси, олийжаноб инсон Ҳожимухаммад оталарни ҳаммаша дуо қилиб, алқаб эслайди. Содда қишлоқ одамларининг маърифатига ҳам таҳсин айтади: қайнотаси чироқ ёруғида "Фарҳод ва Ширин", "Юсуф ва Зулайхо"ни овоз чиқариб ўқир, Машрабхон келин эса ҳам кулоғи билан тинглар эди. Балки шунинг учун ҳам сўнги нафасида қошига чорлаб, айнан шу келинига: "Қизим, болалар сизга қолди", деб васият қилгандир... Отанинг шу сўзлари ҳурмати учун ҳам Машрабхон опа қайнуқаларини уйлаб-жойламагунча "катта эшик"ни тарк этмади...

Дарҳақиқат, ҳалол меҳнатнинг баракаси мўл экан. Ҳозир Ҳожиматовлар оиласи туманинг энг ибратли хонадонларидан бири. Раҳматилло ака билан беш фарзандни оқ ювб-оқ тараб қаторга қўшишди, уларнинг



ҳаммаси эл хизматида. Тўнғичлари Равшанжон Фаргона давлат университетидан, Маъмурахон ва Одинахонлар тумандаги мактабларда ўқитувчи. Улугбек тадбиркор, Жаҳонгир эса туман халқ таълими ходими. Бари китобхон, маънавий бойликка ошурта инсонлар. Уч келин, икки куёв, ўн икки набира кўрган Машрабхон опанинг оила саодати ҳақида ўз қарашлари бор.

— Уйда ота устун бўлса, тарбия тўқис бўлади, — дейди у. — Турмуш ўртоғим жуда вазмин, кенгфелъ одам. Лекин болалар билан ўртадаги масофани сақлай биладилар. Фарзандларимиз отага тик қараш тугул, муҳимроқ гапларини халиям мен орқали етказишади. У кишининг ҳар бир гапи — "қонун". Фақат келин танлаш ва қизлар масаласи билан ўзим шуғулланаман.

Маросимларни исрофгарчиликсиз ўтказиш, ортиқча борди-келдиларга барҳам бериш борасида ҳам бу оила бошқаларга намуна кўрсатиб келади. Машрабхон опа қудачиликнинг би-

Замондошларимиз

ринчи кунидеяк ўз қоидаларини ўрнатади. Бу қоидалар кейинчалик оиланинг мустаҳкам, қариндошчиликнинг бардавом бўлишига хизмат қилиши кўп бор исботланган — опанинг уч келини ҳам қиздек сингишиб кетган, қизлари эса борган жойида тиниб-тинчиган.

"Қўрғонча"да 7183 нафар аёл истиқомат қилади. Машрабхон Ҳожиматова улар учун нафақат маҳалла раиси, балки маслаҳатгўй ҳамдир. Шу пайтгача оиласидан нолиб келган ёшларнинг нечтасини яраштирди, нечтасига йўл-йўриқ кўрсатди, бунинг саного йўқ. Бирор муаммо баҳонасида эшик қоқиб келган аёл билан дилдан суҳбатлашади. Қўлига бирор газета ёки китоб тутқазиб, зарур бўлса, ўқиб беради. Унинг фикрича, оилада мурося бўлишида ҳам, фарзандларнинг камол топиши-ю рўзгорнинг бутлигида ҳам аёлнинг салмоқли ўрни бор. Раисанинг саъй-ҳаракати билан қишлоқда маърифатли аёллар кўпаймоқда десак, муболага бўлмайди.

Машрабхон опа 22 йил директорлик қилган 5-сонли ўрта мактаб энг қоққ муассасадан намунали таълим даргоҳига айланиб, 2011 йили "Йил мактаби" дея эътироф этилган. Меҳнатларининг рағбати сифатида Машрабхон Ҳожиматова 1989 йили "Халқ таълими аълочилиси" унвонига муяссар бўлган.

— Машрабхон опа бутун умр илм зиёсига эргашган аёл, — дейди туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Комилахон Кавланова. — У раисликни ўз зиммасига олганидан кейин фуқаролар йиғинида ижтимоий муҳит ижобий томонга ўзгаргани дарров сезилди. Опани иш жойидан топиш қийин, доим эл ичида юради, у кирмаган хонадон йўқ ҳисоби. Одамларнинг ташвишига мардондор елка тутадиган шундай фидойилар бор экан, эртанги кунга умидимиз юксалиб бораверади.

Гулчеҳра АСРОНОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири,
Фаргона вилояти.

ИЗЛАНИШЛАР МЕВАСИ

Истеъдод

Кизининг юз-кўзларидан сезилиб турган кувонч дарҳол онасига ҳам юкди.

— Табрикласам бўладими, кизим, синовларни аъло баҳога топширдингми? — деди яхши хушхабарни эшитмоққа чоғланиб.

Киз ич-ичидан тошиб келаятган севинчини кўзлари чақнаб баён этди:

— Ҳа, голиб бўлдим, биринчи ўринни эгалладим!

Бекободлик педагог Саодат Раҳмонкулова кизини Нодирабегим Раҳмонованинг физика фанига қизиқишини кўриб: "Ишқилиб, болагинанинг меҳнатлари бесамар кетмасин-да", деган уйда бироз хавотир билан унинг изланишларини кузатарди. Бугунги кунда Бекобод шаҳридаги Енгил санаот ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида таҳсил олаётган Нодирабегим ўз мақсади сари астойдил интилишдан тўхтамади.

— Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда биз ёшларнинг билим олиши-миз, ҳар томонлама етук салоҳиятли бўлиб улғайишимиз учун жуда катта имкониятлар

яратилган, — дейди Нодирабегим. — Бундан унумли фойдаланаётган тенгдошларимиз фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат ва спорт соҳаларида салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Мен ҳам физика фанига қизиқаман. 2011-2013 йилларда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган "Билимлар беллашуви"нинг вилоят босқичида юқори натижаларга эришдим. 2013-2014 ўқув йилида эса голиб бўлиб, махсус гувоҳномами қўлга киритдим. Муваффақиятларимда устозим Фахриддин Бойбўтаевнинг катта ҳиссаси бор. Бу фанга қизиқиш бўлган тенгдошларим билан билимларимни баҳам қўришимни тавсия қилиб, янги изланишлар сари мени рағбатлантирди.

Нодирабегим аъло баҳоларга ўқиш билан бирга, ташаббускорлиги ва етакчилик қобилияти билан ҳам тенгдошлари орасида ажралиб туради. Бекобод шаҳар "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг "Матбуот" йўналиши сардори сифатида

ўз тенгдошлари ўртасида маданий-маърифий тадбирларни ўтказишда фаоллик кўрсатиб келмоқда.

Қаҳрамонимиз айни пайтда ўзи таҳсил кўраётган коллеждаги физика фани ўқитувчиси Санобгар Ажигитова билан биргаликда дарс ишланмаларини мукамаллаштириш юзасидан изланишлар олиб бормоқда. Мактаб ўқувчилари иштирокида "Ёш физиклар" тўғраги фаолиятини юритмоқда.

— Фан олимпиадасида қатнашганимда иқтидорли, билимга чанқоқ йигит-қизлар билан танишдим, дўстлар орттирдим, — дейди Нодирабегим Раҳмонова. — Улар билан ўзаро фикрлар алмашиб, ўқишга бўлган қизиқишимиз янада кучайди. Эндиликда ҳар бир кунимдан унумли фойдаланиб, келажакда физика фанига янгиликлар киритиб, юртимиз равнақига ўз ҳиссамни қўшиш мақсадида астойдил изланяпман.

Ширинхон МЎМИНОВА,
"Оила ва жамият"
муҳбири,
Тошкент вилояти.

Тарбия

ЎЗИГА ХОС КЎЗГУ

Ўғил-қизларнинг ҳар тарафлама камол топишида таълим муассасаси, оила ва жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлиги алоҳида ўрин тутаяди. Катта-кичикми, ҳар бир инсоннинг оилада олган тарбияси жамоатчилик орасида ўз аксини топади.

Оддий мисол, таълим масканида ҳам ўқувчилар оиласида олган тарбияси мезонидан келиб чиқиб ўқитувчилар билан муносабатга киришади. Айтайлик, бирор ўқувчини нотўғри ҳаракати учун ўқитувчи қойиса, буни ҳар бир бола ўз оилавий шароитидан, муҳитидан, тарбиясидан келиб чиққан ҳолда қабул қилади. Ота-онасидан сира танбех эшитмаган, истаклари асло рад этилмаган ва эрка ўсган болалар бундай даққини тўғри қабул қилмаслиги, мураббийдан хафа ҳам бўлишлари мумкин. Уйда кўпроқ насиҳат эшитган болалар эса бу ҳолатда ўз хатоларини тез англаб етадилар ва ўша заҳотиёқ устозидан узор сўрайдилар. Таъна ва дақиқ эшитавериб, "пишиб" кетган болалар эса бундай маслаҳатларни кулоғига олмайди ҳам. Шу боис болани ҳар қандай жойда бўлар-бўлмасга қойийвериб яхши оқибатга олиб келмайди, аксинча, уни жазога, тарбиясиз ўсишига сабаб бўлади. Зеро, фарзанд тарбиясида биз катталарнинг ҳар бир хатти-ҳаракатимиз ўзига хос кўзгу вазифасини бажаришини унутмайлик.

Айниқса, академик лицей ва касб-хунар коллежларида таҳсил олаётган ўғил-қизларнинг маънавий қиёфаси шаклланиб босқичида "Оила — таълим муассасаси — маҳалла" ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бундай даврда ҳар бир ота-она устоз, ўқитувчилар билан сирдош, дилдош бўлсагина элда обрў топади, фарзанди ортидан раҳмат эшитади.

Шоҳида РАҲМОНОВА,
Ангрен кўмир санаоти касб-хунар
коллежи катта ўқитувчиси.

“ХАНДАЛАК” ГУРУҲИ:

“КАТТА ТАНАФФУС” ТУГАДИ!

Ортиқ Султонов:

— Тўғриси айтсам, ўн йил аввалги Ортиқ билан Зокир бошқа эди.

— Тушунмадим, сизларнинг “ўхшаш чехра”ларингиз ҳам борми?

— Йўғ-е, Худо асрасин, мен, рамзий маънода айтаяпман. Йиллар ўтапти, ёшимиз ҳам, а, Зокир? Анча улгайдик энди.

— Сизни билмадим, лекин мен хали ўзимни ёш деб ҳисоблайман. Биров тоға деб қолса, энсам қотади.

— Ҳазил ўз йўлига, жиддийлашайлик. Демокриманки, бундан ўн йил аввалги аскиялар энди ўз-ўзидан эскирди, тўғрими? Бу табиий ҳол-да. Чунки ёшинг улгайган сари олдинлари кулгили туюлган гаплар ёки хатти-ҳаракатлар бугун бироз эриш, бачканароқ эканлигини тушуниб қоласан. Яқинда келинларим билан машинада йўлга чиқдик. Ўзимизнинг хандалардан эшитиб кетаётгандик. Бир жойига келганда... энди нима дейишимни билиб, аста ўчириб кўйдим. Демак, дунёқараш, талаб, савия ўзгарган...

Зокир Очилдиев:

— Юқоридаги саволлар жуда ўринли ва бизни ўйлаброқ жавоб беришга мажбур қилади. Рост-да, “Хандалак”нинг “катта танатанфуси” ҳақиқатан ҳам анча чўзилиб кетди. Менинг назаримда кулгисеварлар ҳам бундан йигирма йил олдинги одамлар эмас, уларнинг талаби, эҳтиёжи ўзгарди. Тўғри келган гапни аския деб тақдим қилавериш, енгил-елли кўшиқларга ўхшаб, мухлиснинг ҳам савиясини туширади. Шунинг учун, энг аввало, устозлар тажрибасига суянган ҳолда, ҳозирги пайтда жамоатчилик фикрини ўрганишга интиляпмиз. Негаки, истаимизми, йўқми, бизга ҳолис баҳони шинавандалар беради. Тўй-томошада айтилган аскияни концертда қандай қабул қилишди, бу ҳақда ўйлаш керак. Устозимиз Ҳожибой Тожибоевга ўхшаб икки-уч кунлаб концерт бериш ҳаммининг ҳам кўлидан келмайди-да.

— Аслида сизларга алоҳида савол бериш кулгули. Икковингиз ҳам ўз тугилган гўшаларингиз ва оилангиз билан боғлиқ қизиқарли хотиралардан айтиб бера оласизларми?

Ортиқ Султонов:

— Бўлмасам-чи. Бир вақтлар Ургут туманидаги бозорда бир қиз қовурилган нўхат сотаркан. Бўлгуси куёв унинг олдига келиб, ёдлаб олган гапларини айтолмай, нўхатдан сикимлаб олиб, еявераркан. Шунда сотувчи қизнинг жажли чиқиб, йигитни қувиб солибди. Тақдирни қарангки,

Биламиз, Зокир Очилдиев ва Ортиқ Султонов... деган номларни эшитишингиз биланоқ юзингизда самимий кулгу пайдо бўлади ва “Хандалак”чиларнинг халқона руҳга яқин бўлган аския-ҳангомалари эсингизга тушади. Хўш, бу икки қизиқчининг кейинги йиллардаги репертуарида қандай ўзгариш ва янгиликлар бор? “Қаҳқаҳа”, “Қалпоқ”, “Шўрданак”ларнинг чиқишлари “Хандалак”дан зўрми? Нега улар телевидениеда намойиш этиляпти-ю, булар кўринмаяпти? Яхшиси, бу каби саволларга ўзларидан жавоб эшитайлик-чи?



орадан бир неча ой ўтиб, шу икки ёшнинг тўйлари бўлибди ва бу мустаҳкам оилада ўн бир фарзанд туғилиб, саккизинчисининг исми-шарифи Ортиқ Султонов экан.

Зокир Очилдиев:

— Ана ҳолос, буни қаранг-а! Ўша саккизинчиси ортиқча бўлса керак-да, шунинг учун Ортиқ деб исм кўйишган (кулишадди).

Майли, энди биздан эшитинг. Мен оилада тўртинчи фарзандман. Рост, ота-онанинг бир-бирларига жуда меҳрибонлигига ҳавасим келарди. Улар на дабдабага, на ҳашамга ўч эдилар. Эсимни таниганимдан кейин улардаги бу хислатнинг сабабини тушунганман: Махалла-мизда ёшларни оилага алоҳида тайёрлашар, рўзгор юмушлари, саранжом-саришталик, тикувчилик каби ишлар, бори-га қаноат қилиб яшаш каби фазилатлар қизларга синдириб бориладди. Қиз бола ота уйига меҳмон бўлиб келиши мумкинлиги қайта-қайта уқтирилди. Аниқ эсимда, опам узатилиб кетаётган куни у ўтирган машина ортидан холларим тоша отишганда хайрон бўлиб сўраганман. “Бу жуда қадимий одат, борган жойида тошдай қотиб, бахтли умр кечирсин дегани шунда”, дейишган. Бундан ташқари қишлоғимизда меҳроқибат кучли, бирор киши касал бўлиб қолса борми, бирор дори-дармон, яна бири гиёҳлардан малҳамлар тайёрлаб етиб келарди. Бундай хайрли одатларимизнинг замирида ҳам ўзлимизга хос гўзал хислатлар яширинган деб ўйлайман.

— Қизиқчиликка меҳр

кўйишларингиз, кулгу устаси бўлиб етишингизга балки мана шу шароит, муҳит ҳам сабаб бўлгандир...

Ортиқ Султонов:

— Мутлақо тўғри. Иккимизнинг оиламизда ҳам биздан бошқа санъаткор йўқ. Ака-ука, опа-сингилларимиз ўқитувчи, тадбиркор, фермер, боғбон, шифокор каби турли соҳаларда фаолият олиб боришяпти. Лекин улар ҳам жуда дилкаш ва шинаванда, кулишням, кулдиришням қотиришади. Биргал мактабимизга каттақўрғонлик қизиқчи Худойберди Зиёевов келганди. Ўшанда мен — 10-11 ёшли болакай ўртага чиқиб, ўзимча болаларни кулдиришга ҳаракат қилганман. У киши мендаги иштиёқни кўриб, маслаҳатлар берди. Мактабни тамомлаганимдан кейин, 1988 йили Худойберди ака мени Театр ва расомчилик институти (ҳозирги Ўзбекистон Давлат санъат ва маданиятга етаклаб бориб, бир хонага олиб кирди-да: “Шу ерда тура-тур, мен ҳозир келаман”, деб чиқиб кетганча қайтиб келмади. Қарасам, ёнимда қоравойгина, эгнига оппоқ фугитболка кийиб олган бир йигит турган экан. У ўзини Зокир Очилдиев деб таништирди. Шундан бери биргамиз-да.

Зокир Очилдиев:

— Институтда ўқиб юрган кезларимиз иккимиз дастлаб “Ғайра-Ғайра” деган гуруҳ туздик. Бошқа курсдошларимиз ҳам ёрдам беришди. 2000 йилгача Самарқанд вилоят телевидениесида 7-8 та лойиха тайёрладик. Ниҳоят, “Ханда-

Гурунг

лак” пайдо бўлди. Мана салкам 15 йилдирки, шу ном остида баҳоли қудрат ижод қилиб келаяпмиз. Озми-кўпми, обрў-этибор қозонганимиз туфайли деярли ҳар йили “Истиқлол” санъат саройида ўз дастуримизни намойиш этишни аънамага айланттирдик. Насиб этса, бу йил ҳам 6-7-8 февраль кунлари мухлислар хизматида бўлмоққа шайланиб турибмиз.

— Махсус дастур ёки комик кўрсатув тайёрлаш учун, албатта, ҳам руҳан, ҳам моддий куч-қувват керак. Шу маънода, сизларнинг навбатдаги чиқишларингиз ўзига хос имтиҳон, оғир сизов вази-фасини ўтайди, тўғрими?

Зокир Очилдиев:

— Саҳнада сценарий асосидаги дастурни намойиш этиш жараёнида қутилмаган вазиятдан чиқиш учун ҳар хил ҳазил-хузул гап-сўзларни қўллаганга тўғри келади. Тасаввур қилинг, томошабинлар орасида ёши саксонга кирган чол-кампири ёки ақлини таниб қолган ўқувчидан тортиб, зиёли, биздан кўра кўпроқ ҳаётнинг баланд-пастини кўрган, ўқимишли инсонлар бўлиши табиий. Қизиқчи ҳеч қачон бачкана қилиқ ва сунъий гап-сўзлари билан шуҳрат қозона олмайдди. Биз, аввало, шарқона одоб, ахлоқ меъёрини сақлашимиз шарт.

— Кулгули воқеалар тўқилмайди, ақсинча ҳаётдан олинади деганлари рост. “Хандалак” репертуарини бойитишда кимларга кўпроқ суяна-сизлар? Бу саволни бераётганимнинг сабаби шуки, кейинги пайтларда радио-телевидениеда намойиш этилаётган айрим ҳажвий эшиттириш ва кўрсатувларда сценарийларни кўр-кўрона ўғирлаб, ўзлаштириш кузатиляпти...

Ортиқ Султонов:

— Бошқаларни билмадик, лекин “Хандалак” шу пайтгача қайси ёзувчининг каттами-кичик асарига мурожаат этган бўлса, муаллиф билан бамааслаҳат иш кўрганмиз. Биз кўпчанга Саид Аҳмад, Незмат Аминов, Анвар Обиджон, Илҳом Зойир каби машҳур адиблар ижодидан намуналар ижро этганмиз. Баъзан, ўзимиз ҳам ёзганмиз, аммо ўшаниям профессионаллarga кўрсатганмиз. Нега десангиз, биз қизиқчимиз, ёзувчиликка даъвогарлик қилолмаймиз. Ҳозирги кунда Абдуразоқ Обрўй, Саид Анвар, Дилдора, Муродали ўтамали, Насрулло ва бошқалар билан ижодий ҳамкорлик қилапмиз. Баъзан интернетдан ҳам фойдаланамиз. Ҳар қандай шароитда ҳам муаллифлик ҳуқуқини ҳурмат қилиш керак. Ақсинча бўлса, мисқолаб топилган обрў йўқолади.

“Оила ва жамият” муҳбири Барно МИРЗААХМЕДОВА сўхбатлашди.



САМАНДАР ВА САЛАМАНДРА — бир қарашда “самандар” сўзи билан юнонча “саламандра” сўзлари ўхшаш-у, лекин бир-бирига алоқасиздай туюлади. Бироқ изоҳли луғатда бу сўзлар биргаликда изоҳланган. Афсонага кўра, ўт ичида туғилиб, ўтда яшайдиган махлук “самандар” деб аталган.

Овози самандардек, донишда Искандардек, Қаҳр айласа аждардек, чун нури аён келди.

“Оқ олма, қизил олма” китобидан

РУТБА — тарихимизда кишиларнинг даражаси, унвони, обрўи, лавозими ва яхши хислатлари “рутба” сўзи билан ифодаланган.

Ўтиришда ҳар ким ўз рутбасига муносиб ўринни ишғол этди.

Ойбек

ҚўЛҚАНОТ ВА ДАСТЁР — “Зоминнинг тил қомуси” китобида изоҳланмишча, оилада болаларнинг ўсиб, ота-она ёнига кириши, уларга ёрдами тегиши “қўлқанот” сўзи билан ифодаланган. Шунингдек, тилимизда фаол қўлланадиган “дастёр” сўзи ҳам шу маънода ишлатилади. “Дастёр” сўзининг туб илдизи “қўлга ёр” деган маънони англатади.

Шукр, болаларим қўлқанот бўлиб қолди.

ВАЗН ВА МУВОЗАНАТ — бу сўзнинг илдизи “оғирлигини ўлчади” деган маънони англатади. Шунинг учун “мувозанат” сўзи “вазн” сўзига ҳам алоқадор. Мувозанат — тенглик ҳолати маъноси-ни билдиради. Шунингдек, қарама-қарши кучларнинг, ҳодисаларнинг тенглашуви, уйғунлашуви туфайли содир бўладиган тинч, осойишта ҳолат ҳам “мувозанат” сўзи билан ифодаланган. Одам қаддининг тўғри, меъёрий тур-ри ҳолатига ҳам “мувозанат” дейилади.

От қаттиқ кишнаб, сапчиди. Йигитали мувозанатни сақлай олмай, ёнбошига гуп этиб йиқилди.

Тоҳир Малик

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

КЕЧИКМАГАН БАХТ

ёхуд иккинчи турмушнинг муштлири

Муҳаббатдан пойдевор қурилди. Тилаклар жўровоз бўлди: "Илоё, қўша қаришсин!" Уларнинг никоҳи ҳам расман, ҳам шаръан тасдиқланди. Аммо... улар ҳали ёш, иккиси ҳам коллежни энди тугатган, бирор тайинли касбнинг этагини тутмаган эди. Энг қизини, катталарнинг орзу-ҳаваси, ёшларнинг қутилмаган шохилини тарздаги учрашуви тўйга сабабчи бўлди. Бир йўлга етар-етмас келин-куёв ўртасидан "ола мушук" ўтди — арзимас баҳоналар туфайли низо чиқди. Маҳалла-кўй, қуда-андалар аралашди, йўқ, мурасага келишолмади. Фарзанд дувёга келар маҳали суд орқали ажрашишди. Куёв бола ой ҳам ўтмасдан уйланди. Бахти қулмаган келинчак эса ота уйида норасида чақалоқни қучиб, йиғлаб ўтирди. Ниҳоят, тенги чиқди-ю, иккинчи бор турмуш қурди...

Бугунги мавзумиз айнан кўпчиликни ўйлантираётган иккинчи турмуш билан боғлиқлиги янада аҳамиятлидир. Негаки, кейинги пайтларда айрим фуқаролар ҳужжатларни расмийлаштириш, яъни оталик ва оналикни белгилаш, шунингдек, фарзандларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби ҳуқуқий масалаларга ечим излашда турли муаммоларга дуч келаётгани сир эмас. Шу ўринда айрим ҳаётий мисолларга мурожаат этайликчи:

М. Собирова, Жалолқудук шаҳри:

— Биринчи турмушимдан фарзандсизлик туфайли ажрашган эдим. Тақдир яна бир имконият бериб, иккинчи бор оила қурдим. Уч йил деганда фарзандли бўлдим. Аммо, нимасини айтасиз, тузилганлик тўғрисидаги гувоҳномани олишда учраган галваларни эсласам, эҳ, иккинчи марта оила қуришни ҳеч кимга раво кўрмаган бўлардим. Тўғруқонадан чиқишимда, боламизга гувоҳнома олишда турмуш ўртоғим кўп сарсон бўлди. Негаки, биринчи турмуш ўртоғим — тирик бўлса, тузилган бола ундан эмаслигини исботловчи ҳужжат, ўлган бўлса, ўлганлиги тўғрисидаги ўлим гувоҳномаси бўлиши керак экан-да. Шу ҳужжатлар тайёр бўлгунча қанча асабларим бузилди...

С. Дармонова, Андижон шаҳри:

— Ота-онамнинг қаршилигига қарамай, ўзим ёқтирган йигитга турмушга чиқдим. Эрим жуда яхши инсон эди, бироқ қайнонам бошида-ноқ мени хушламади. Боиси, ўғли онаси истаган қизга эмас, ўз севганига уйланганига қуярди. Ҳам шаърий, ҳам қонуний никоҳимиз узоқ давом этмади. Қайнонам келин бўлиб келган кунининг эртасиданок: "Барибир сенларни яшатмайман", деб қасам ичди. "Ё мени дейсан, ё хотинингни", дея шарт қўйганидан

кейинги эримдан фарзандли бўлишимдан олдинроқ ҳам шошилмадим. Оқибати боламга гувоҳномани "ёлғиз она" номига олишим билан яқунланди...

Одамзод тақдирда нелар ёзилганини аввалдан билмайди. Юсак орзу ва ҳавас билан қурилган оила арзимас жанжал туфайли бузилади-ю, бироқ бир маромда давом этаётган ҳаёт оқими ўзгармайди. Ўртада норасидаларга қийин. Оиланинг муқаддаслигини унутган айрим фуқаролар йўл қўйган хатоликлар туфайли улар азият чекишади. Аслида сабаб қаерда? Қуда-андаларнинг тўйгача берган ваъдалари қаёққа кетди? Келишмовчиликлар, муаммолар шу ажралиш билангина бартараф этилса-ку бир нави, лекин кейинги турмушда ҳам баъзи ҳолларда юқоридаги каби муаммолар юзага келса, бунинг учун ким айбдор бўлади?



сўнг, турмуш ўртоғим икки йўл орасида қолди ва охири онасининг юзидан ўтолмади. Кўп ўтмай, қайнонам ўғлини ўзи танлаган бўй қизга уйлантирди. Мен эса... ҳаётдан буткул совидим. Бор ихтиёримни ота-онам қўлига топширдим. Аввалроқ шундай қилмаганимга афсусландиму, лекин кеч эди. Шундан кейин уларнинг розилигига қараб, иккинчи марта турмуш қурдим. Бироқ, ўша вақтда биринчи тузилган қонуний никоҳни бекор қилиш ҳеч кимнинг хаёлига келмабди. Буни қаранглик,

Барноҳон Расулова, Пахтаобод тумани ФХДё бўлими мудири:

— Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 13-моддасига биноан: "Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади. Диний расм-русуқларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас". Шу сабабли фақат ФХДё органларида тузилган никоҳгина қонуний ҳисобланади ва у эр-хотин, болалар учун ҳуқуқ

Мулоҳаза

ва бурчларни келтириб чиқаради.

Оила кодексининг 4-моддасида "Оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясида эканлиги белгиланган бўлиб, шунингдек, оналик ва оталик иззат-икром, ҳурматга сазовор эканлигига алоҳида урғу берилган.

Боланинг туғилишини қайд этиш учун агар боланинг онаси бошқа шахс билан қонуний никоҳда турган бўлса, оталикни белгилаш тўғрисидаги аризага никоҳда турган эрининг у билан қонуний никоҳда бўлган онадан туғилган болага нисбатан оталикни белгилашга ёки боланинг туғилишини ёлғиз она аризаси асосида қайд этилишига нотариал тасдиқланган розилиги илова қилинади ёки у ФХДё органига келиб, бунга ёзма равишда ўз розилигини билдиргандан сўнг боланинг туғилганлиги ҳақида тиббий маълумотнома, ота-онанинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт)лар тақдим этилади. Оталикни ишонччино орқали белгилашига йўл қўйилмайди. Демак, ҳақ-ҳуқуқини билган киши ҳеч қачон ютқазмайди.

Халқимизда ибратли бир гап бор: "Биринчи турмуш ой турмуш..." Бироқ бу «ой»га арзимас сабаб билан тушган доғ оила бузилишларига олиб келмоқда. Тўғри, чинакам бахтни кейинги рўзғоридан топганлар ҳам кам эмас. Ҳаёт кимгадир эрта, кимгадир кеч бахт беради. Бунда фақат сабр синалади. Синовни енголмаганлар осон таслим бўладилар ва тақдирни айблайдилар. Аслида эса қандай ҳаётни танлаш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Фақатгина иккинчи турмушдаги туғилажак ва туғилган гўдаклар ортидаги баъзи бир муаммолар асаблар емирилиши-ю, муносабатларнинг дарз кетишига сабаб бўлаётгани дилни оғритади.

Инсон ўз ҳаётини нозикниҳол қувонч-ташвишлар қуршовида қураётган экан, унинг гўзаллигига ҳам ўзи сайқал беради. Кимнингдир бахти биринчи турмушда, яна бировники кейингисиде юз очади. Фақатгина оила қуриш бобида ҳам қонун билан ҳисоблашган одам сира ютқазмайди. Ўртада бегуноҳ фарзандлар ҳам азият чекмайди. Отаси бўла туриб, ҳужжати фақат онаси номига расмийлаштирилган бола эртага дадасидан бунинг сабабини сўраганида, ота бўлмиш нигоҳларини қай бурчакка қадаркин? Ёки онасига вақти келиб, ақли етиб: "Нега дадам менинг ҳужжатларимни ўз номига расмийлаштирмаган?" деган ҳақли сўроқни берганида, она бу мулзамликни қандай енгаркин?

Зилола РАҲМОНОВА,
журналист.
Андижон вилояти.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.

Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.

Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.

Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.

Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёт билан).

Тиббий массаж — 3 ой (2 ойи ўқиш, 1 ой амалиёт).

Торт ва пишириқлар — 2 ой.

Олий торт безатиш курси — 1 ой.

Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.

Жаҳон таомлари — 2 ой.

Аёллар сартарошлиги — 3 ой.

Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.

Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).

Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.

Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.

Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).

Тирноқ, киприк ўстириш ва дипеляция — 1 ой

Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка). Тўқувчилик — 3 ой.

Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.

Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.

Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо кути ва саватлар ясаш — 1 ой

Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.

Карвинг (мева ва सबзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.

Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиётга билан. Ётоқхона мавжуд.

Барчаси амалиётга билан. Ётоқхона мавжуд.

Барчаси амалиётга билан. Ётоқхона мавжуд.

Барчаси амалиётга билан. Ётоқхона мавжуд.

Барчаси амалиётга билан. Ётоқхона мавжуд.

Барчаси амалиётга билан. Ётоқхона мавжуд.

Барчаси амалиётга билан. Ётоқхона мавжуд.

Барчаси амалиётга билан. Ётоқхона мавжуд.

Барчаси амалиётга билан. Ётоқхона мавжуд.

Барчаси амалиётга билан. Ётоқхона мавжуд.

Барчаси амалиётга билан. Ётоқхона мавжуд.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МЎЛЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида.

ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

ЭЪЛОН!

25.11.2013 йилда байналмилал жангчи Гармаш Валерий Юриевич номига шаҳар йўловчилар транспортарида бепул юриш ҳуқуқини берувчи №005267-рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шаропов Дилшоджон Раҳматуллаевич номига 2013 йил 20 ноябрда берилган Тошкент шаҳар Яққасарой тумани «Қушбеги» маҳалласи, 5-уй 14-хонадоннинг кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Бир аёлни танийман. Уч фарзанднинг онаси. Турмуш ўртоғи ҳам бамаъни одам. Уч хонали уйда эл қатори яшади.

Негадир шу аёлни ҳар сафар учратганимда тушкун холатда кўраман. Сабабини билолмасдим, бир куни суҳбатлашиб қолдик. Кўнглига қўл солдим.

— Менинг ҳаётдан умидларим катта эди, — деди у. — Бой-бадавлат яшашни, дугоналаримни менга ҳавас билан қарашларини истардим. Бирок... Яшашимизни қаранг, хўжайинимнинг топгани у ойдан бу ойга аранг этади. Шу одам билан яшаб, битта тилла тақинчоғим икита бўлгани йўқ. Одамларнинг кўша-кўша уйлари, машиналари бор. Уларнинг аёллари таққан тилла тақинчоқларни-ку гапирмасам ҳам бўлади. Шулар менга алам қилмасинми, армон қилмайинми?! Аёл куйиниб гапирарди. Норо-

ганди. Армоннинг бахтдан, умиддан ҳам қудратли эканига ишона бошладим. Ўзини мевасиз дарахтга менгазб, тобора сўлиб бораётган жувон дардига нима малҳам бўлишини билолмайман. Унинг олдида аввалроқ учратганим — эл қатори кун кўраётган уч болали аёл наздимда, ер юзининг энг бадавлат хонимидек кўринади. Аммо буни унинг ўзи англамайди, англомайди...

Кечагина хузуримга бир аёл кириб келди. Кўзлари танишу юзларини эслолмайман. У мени бағрига босиб кўришди. Овози ҳам ҳазин, хаста. Ўзи қувватсиз.

— Мени танимадингиз-а, қисматнинг муштрали мени шу кўйга солди, синглим, — деди у хайронлигини сезиб. Сўнг бошидан ўтганларни сўйлай кетди. — Иккинчи боламага оғироеқлигимда турмуш бузилди. Оилам тикланшига умидим қолмагач, ҳали туғилмаган боламни ёмон кўра бошладим.

Агар
б

АРМОН ВА БАХТ ОРАСИ



зилиги кучайгани сайн юзидаги ажинлари ҳам чуқурлашиб борарди.

Яна бир жувонни танирдим. У оқиллиги билан қайнонасининг, эрининг дуосини олган эди. Давлатмандлигига ҳам сўз оиз. Аммо негадир унинг нигоҳларидан ҳам армон мўралаб тургандек туюларди. Бир куни дарвозаси ёнида кўшни кампирга дил ёраётгани устидан чиқдим.

— Анави кўшнини қаранг, — дерди у бир неча ҳовли нарига ишора қилиб. Мен ҳам беихтиёр ўша ёққа қардим: томи ёпилмаган икки хонали лойсувоқ уй. Хатто дарвозаси ҳам йўқ. Эр-хотин лой қориб, ҳовли атрофини кўрган қилиш учун гишт қуйишяпти, уларнинг ёнида икки болакай пилдираб юрибди. Эр-хотин ҳар замонда бир-бирлари билан ҳазиллашиб қўйишди. Қилаётган ишлари уларга асло малол келаётгани йўқ. Аксинча ўзгача бир завқ-шавқ билан ҳаракат қилишяпти.

— Қаранг, мен шугиналарнинг бахтига ҳавас қиламан, — дейди жувон. — Нега мен улар каби бахтли эмасман? Манави дангиллама уй-жойлар, мол-давлат ўрнига Яратган эгам менга биттагина тирноқ ато этмайдими? Биттагина болам бўлганида, умрим охиригача лой чангаллаб ўтсам ҳам рози эдим, опажон, рози эдим!..

Мен нари кетдим. Кўз ёши сел бўлиб оқаётган бу жувоннинг салкам ўн йиллик армонлари оғриғи менинг ҳам қалбимга кўчиб улгур-

лам битта бўлганида, агар манави қорнимдаги хомилам бўлмаганида ўшаларнинг (собиқ эри ва қайн-сингилларини назарда тутяпти) олдида шартта бошқа эр қилиб кетардим, деб ёзгираредим. Ойлар ўтиб, кўчқордай ўғил кўрдим. Кўрган кишининг суқи киррадиган ширин бола бўлди. Мен нодон боламнинг қилиқларидан қувониб ўрнига унга тузукроқ меҳр бермадим, уни оёғимга тушов деб билдим...

Йиллар ўтаверди. Менга оғиз солганлар боламнинг иккиталигини эшитиб, ҳар сафар айниб кетишганида, аламинни ўша боламдан олавердим. Эсли-хушли болам бирор марта менинг ноўрин ва аҳмоқона таъна-дашномларимга қарши бир сўз демади. Ҳатто норози бўлиб қарамади ҳам. Уни мактаб-интернатга топширдим. Бироз енгилладиму, аммо барибир кўнглимга кириб олган шайтонга ҳай бермадим. Болам ҳафтада бир уйга келса, ойда кел деб хайладим. Мени соғиниб ёзган хатларини топиб олганимда, устидан кулдим, нафсониятини топтадим...

Шунчалар гумроҳ эдимки, болам яхши ўқигани учун ўқитувчилари менга миннатдорчилик билдириш мақсадида ўқиш жойига чақирди, бормадим. Боламнинг кўнглини шу тариқа синдириб боравердим.

Ёшим қирқдан ўтди. Ўғлим ўз билими билан университетга ўқишга кириб, аёло баҳоларга битирди, яхшигина ташкилотда ишлаб бошлади. У топганини меникига — бир кун ҳам меҳр кўрмаган уйига таширди. Менинг кўнглимни олмоққа уринарди. Унинг ақлу одобига ҳаммининг ҳаваси келарди.

Буни ҳаёт дейдилар

Гоҳ пинҳона, гоҳ ошкора: "Менинг қизимни келин қилин", дейдиганларнинг саноғи йўқ эди. Шу болам туфайли обрўйим юксалди. Тўй-тўйчиқларда тўрға ўтадиган бўлдим. Битта кўйлагим ўнта бўлди. Энди ақлим кира бошлаган, боламга нисбатан кўнглимда меҳр уйғонганди. Унинг тўйига деб сеплар йиға бошладим. Юрагимда янги умид, орзулар туғилди... Аммо бошимни қайси тошга урайки, бир пайтлар боламга берган озорларим, ношуқурлигим исзиз кетмаган экан. Улар менга шундай қулфат бўлиб қайтдики, ўт-олов ичра ёнган вужудим бир нафас ором топмади энди.

Ўғлимни ўзи севган қизга, обрўлигина бир оиланинг фарзандига унаштирдик. Болагимнинг бир олам орзулари бор эди. Нурли чехрасига боққан кишининг кўнгли ёришарди. Ҳеч кимдан ширин сўзини, ёрдамини аямасди. Мана шундай боламни бевақт ажал кўлига топшириб қўйдим...

Аёл гапиролмай қолди. У тинимсиз кўксига муштра, кўз ёшлари юзини юварди. Бир муддатдан сўнг ўзини кўлга олди ва ҳикоясини давом эттирди:

— Ўшанда эрта баҳор эди. Ҳаво анча совуқ бўлгани учун газ билан исийдиган печни ёниқ қолдириб, кўшненикига чиқиб кетдим. Чикиб кетатуриб, ўғлимга: "Машинанда келиб, мени холаннинг уйига ташлаб кўй", деб кўнги-

роқ қилдим. Мен чиқиб кетишим билан газ ўчган, кейин эса катта босим билан келган экан. Ўғлим уйга етиб келиб, мен ўтирадиган хона эшигини очиб, чироқни ёққану ҳалокатли портлаш содир бўлган...

Болагинам уч кун касалхонада ҳаёт билан олишди. Охири бор ёнига киришганида, у кўзларини очиб, менга узок термилиб турди. Унинг бу қарашларида: "Нега менадан меҳрингизни бунча қизғондиз? Қисқагина умрим давомида ҳеч йўқса меҳрингизга тўймадим-а", деган маъно бор эди...

Болам ўлди, мен ўлмадим, яшапман. Аммо бир лаҳза боламни ёдимдан чиқаролмайман. Унга оғироеқлик пайтим, дунёга келтирган онларим, ширингина бўлиб қолган пайтлари, мактабдан биринчи марта «5» баҳо олиб келган куни, ўқишга кирган кундаги қувончи... ҳамма-ҳаммаси аслида бахтимнинг парчалари экан! Нега мен буларнинг қадрига етмадим? Нега мен шунчалар худбин бўлиб қолганим? Нега менинг гуноҳларим бадалини болам тўлади? Нега?!

Армонларимни мен ўзим сотиб олдим. Бу дунёда олаётган жазоларим у дунёдаги ажр олдида ҳеч гап бўлмас керак. Мендай гумроҳ онага бу ҳам кам...

Юқоридаги кечмишларнинг бари ҳар биримизга кераклича сабоқ бергулик. Армоннинг каттакичиги бўлмас экан. У қай қалбга уя курса, уни емириб бораверар экан. Яхшиси, унга диллимиздан жой бўшатмаслик, энг чорасиз дамларда ҳам умидга суянишимиз керак. Қўлимизда бориға, имкони-миз етганига ва шу бугун бизга ато этилган бахтга шуқур қилиб яшамоқлик ҳам ҳаёт ҳикмати эмасми, азизлар?!

Шахло ТОШБЕКОВА.

ШАМОЛЛАБ ҚОЛГАН БЎЛСАНГИЗ...

Қишнинг изғиринли кунларида кўпчилик шамоллаш билан боғлиқ хасталиклардан азият чекади. Шу кунларда айниқса, тумов кўпайган. Бу хасталикнинг олдини олишда барча халқлар табобатида сигнал ва ишончли даъво усуллари мавжуд.

Миробод тумани 2-оилавий поликлиника умумий амалиёт шифокори Фариди АШИРОВА тавсия қилади:

■ Янтоқ ва назматак (шипоник)дан тайёрланган дамламага шакар қўшиб ичиладиган, шамоллашнинг олди олинади. Бунинг учун 8-10 дона назматак меваси ва уч-тўрт янтоқ шохчасини майдалаб чойнакка солинади ва унга қайнаб турган сувдан 300 грамм қуйиб, бир-икки тақмоқ қанд солинади. Тузалгунча ҳар куни шу дамлама ичган одамнинг иммунитетини ҳам мустаҳкамланади.

■ Тумов сурункали тус олганда лавлаги шарбатини тенг миқдорда асалга аралаштириб, ярим пиёладан ичиб туриш ҳам яхши фойда беради.

■ Шамоллаган киши яримта оқ пиёзни ёки саримсоқ пиёз баргидан яримтасини ярим коса қатиққа аралаштириб, озгина нон билан истеъмол қилиб турса, назлага фойдалидир. Қатиқни қайноқ сувда аталаб, озгина мурч ташлаб, қоқирим қилиб ичилса ҳам шифо бўлади.

■ Шамоллаганда чувалчангни янчиб, пешона ё бошга қўйиб, қалампирмунчоқни янчиб ҳидлаш ҳам самарали натижа беради.

■ Халқ табобатида шамоллаш пайтида саримсоқ бўлакчасини арчиб, тиш орасида ушлаб туриш тавсия этилади. Ушбу муолажа бир неча соатдан кейин ўз таъсирини кўрсатади. (Аллергияга мойил инсонларга тавсия этилмайди.)

■ Зиғирни куйдириб, тутунига бурун тутилса, тумовни бартараф этади. (Аллергияга мойил инсонларга тавсия этилмайди.)

■ Тумов ва томоқ оғриғига қарши олма сиркасига асал аралаштириб (ҳар бирдан чорак стакандан) оғиз ва томоқ чайиб турилса, даво бўлади.

■ Янги олинган сариеғнинг бир қошиғини эрталаб иситиб, уч кун мобайнида ширмой нон билан ейилса, тезда совуқ терни танадан ҳайдаб чиқариб, йўтални даф қилади ва шамоллашни бартараф этади.

■ Мойчечак (ромашка) гулдан 30 граммни 100 мл. сирка билан қайнатиб, ҳосил бўлган буг билан бурундан оқаётган назлани тўхтатиш мумкин.

■ Қора седана уруғидан уч граммни 10 мл. узул сиркасига бир кун ушлаб туриб, суви бурунга томизилса, бурун оқишини даф қилади.

■ Қора андиз (девясил) илдизининг 100 граммни олиб, устидан бир литр қайноқ сув қуйиб, 15 дақиқа қайнатилди. Сўнг тиндириб, кунига уч маҳал ярим пиёладан ичилса, шамоллаганда жуда қўл келади.

■ Олхўри барғи ёки илдизини сувда қайнатиб, ўша сув билан оғиз фарғара қилинса, миядан тумовни кўзгоччи сувоқлик келишини тўхтатилади.

■ Чала пиширилган тухум сариги истеъмол қилинса, кўкракдаги назлани йўқотади.

■ Седанани куйдириб, тутуни ҳидланса ҳам тумовда фойда беради.

■ Қалампирмунчоқ солиб шимиш тумовдан халос бўлишнинг сигналган усулларида биридир.

■ Хонаки гуллардан бири каланхоэнинг баргидан сиқиб олинган шарбат бурунга томизилса, тумов дарҳол чекинади.

■ Пўстлогидан ажратиб, қирғичдан ўтказилган саримсоқпиёз билан асални тенг миқдорда яхшилаб аралаштириб, уйку олдида бир чой қошиқ миқдорда қайнатилган сув билан 3-5 кун давомида ичиш нафақат тумовни бартараф этади, балки организмдан бактерияларни ҳам қуйиб чиқаради.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.

СУРХОНДА БИР ҚИЗ БОР

Онанинг кўнгли болада, деган гап бежизга айтилмаган. Комила опам бетоб бўлиб ётган бўлса-да, қизи Шарифанинг ҳаётини ўйлайди. Ҳар сафар кўргани борганимда: "Яккаю ягона холасисан, агар мен омонатимни топширгудай бўлсам, уни ўзинг яхши бир хонадонга узатгин, илтимос", дея зорланади. Шарифанинг тақдири бошқага боғланганми, билмадим, келаётган совчиларнинг бирортаси билан тил топиша олмаямиз. Насиб этса, бахти очилиб кетса, опам ҳам кенжа қизининг тўйини кўрса, яхши бўларди. Шарифа коллежни тамомлаганидан сўнг туманимиздаги мактабда ишлади. Кейинчалик уй ҳамшираси курсида ҳам тахсил олди. Ҳозир уйда онасини парваришляпти. У **26 ёшда**. 30 ёшгача бўлган, уй-жойи, касби-кори тайин сурхондарёлик йигитлар бўлса, хабар берарсизлар.

ЗАМИРА опа,
Сурхондарё вилояти.

ЭНДИ УЙЛАНСАМ БЎЛАР

Оқила исми жисмига монанд, феъл-атвори чиройли аёл эди. Бефарзандлигимиз туфайлигина бахтимиз тўқис бўлмади. У менга ўзини бахтиёр қилиб кўрсатишга уринарди. Аммо кўзининг туб-тубидаги мунгни кўриб, эзилиб кетардим. Оллоҳдан фарзанд тилаб, куну тун дуо қилардим. Аммо тақдирга битилмаган бўлса, иложи йўқ экан. Бир кун у менга: "Қисматимизда кўша қариш ёзилмаган кўринади, мен билан ажрашиб, бошқасига уйлансангиз, зурриёдингиз бўлса, мен ҳам ўзимни фарзанд кўргандек сезардим", деб қолди. Буни истамасам-да, 17 йил деганда Оқила билан ажрашдик...


Онам мени яна уйлантириш тараддудига тушиб қолганимда, бу ишни кейинроққа суришларини илтимос қилдим. Бу йил Оқила билан ажрашганимизга 5 йил бўлди. Шу орада отам қазо қилди. Ўтган йили Оқиланинг турмушга чиққанини эшитганим. Куну кеча онам унинг фарзандлик бўлгани ҳақидаги хабарни айтдилар. Унинг чақалогини бағрига босиб турганини тасаввур қилиб, кўзимга ёш келди. Энди мен ҳам оила қуриб, янгидан ҳаёт бошласам бўлади, деб ўйлайман. **Ёшим 48 да**. Касбим хайдовчи. Турмушга чиқиш ниятида бўлган ширинсўз, меҳрибон аёл учраса, уйланаман.

ОТАБОЙ,
Хоразм вилояти.



ЙИЛ РЕКОРДЛАРИ

Гиннес рекордлар китоби муаллифлари 2014 йилдаги энг муваффақиятли натижалар рўйхатини эълон қилишди. Ушбу рўйхатнинг етакчилиги рус-француз тандеми томонидан ишланган ва улкан бочка шаклига келтирилган гаройиб мозаикага насиб этди. Гап шундаки, бу мозаика шиша ёки кафель бўлақларидан эмас, турли рангли тошлардан эмас, оддийгина шиша идиш (бутилка) пўкак-тиқинларидан йиғилган. Композиция 150 квадрат метр



майдонни эгаллади. Уни яратиш учун 285 мингта пўкак-тиқин ва 270 килограмм елим керак бўлди. "Бахайбат бочка" деб номланган ушбу мозаикада қадимий Юнон илоҳлари, Санкт-Петербург ва Бордо каби шаҳарларнинг машҳур манзаралари тасвирланган. Мазкур ижод намунаси 2014 йилнинг ёзида Франциянинг киргоқ бўйидаги шаҳарларидан бирида ҳар йили ўтказиладиган шароб фестивали доирасида тақдим этилганди. Мозаика муаллифлари россиялик Сергей Сидоров ҳамда Франция фуқароси Эльвира Газизова эди.

Йилнинг энг муваффақиятли натижасини аниқлаш Гиннес рекордлар китобининг сайтида тўпланган овозларга қараб аниқланди. Аввалига Португалия, АҚШ ва Япония вакиллари турли соҳаларда ўрнатган рекордлари билан етакчилик қилишгаётган эди. Ниҳоят, овоз берувчилар сўнги эътироф қарорини билдириши, "Бахайбат бочка" асарини голиб деб топилди.

ЭНГ КАТТА
МОТОЦИКЛ

Гиннес рекордлар китобининг 2015 йил учун очилган зарвақларидан эса навбатдаги ўрин дунёдаги энг катта мотоциклга ажратилди. Тўғри, бундай номинациядаги юқори натижа аввал ҳам қайд этилган. Аммо бу ихтиро – ҳаракатланувчи энг кат-



та мотоцикл эканлиги билан ажралиб туради. Мазкур гаройиб техника италиялик муҳандис-конструктор Фабио Режиян томонидан ишлаб чиқилган. Узунлиги 10,03 метр, баландлиги эса 5,1 метрни ташкил этган бахайбат мотоцикл ўз номини рекордлар китобига киритиши учун Италиянинг Монтеккьо-Эмилия шаҳарчасидаги кўча бўйлаб 100 метр масофани босиб ўтишига тўғри келди.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

"Бахтли бўлинг" саҳифаси



ВАЗИРАГА МОС ЙИГИТ ЧИҚСА...

Тикувчилик цехида ишлаймиз. Ҳамкасбларимизнинг аксарияти қизлар. Айниқса, Вазирага бошқача меҳр қўйганимиз. У ҳаммамизга ўрناк бўлади, озода, жуда меҳнатқаш. Ўтган икки йил ичида кўпчилик қизларимиз турмушга чиқишди. Лекин негадир Вазиранинг бахти очилмапти. Насиб қилгани келиб қолар, деган умиддамиз. Нима ўлганида ҳам қиз боланинг ўз вақтида оила қургани яхши, деб ўйлаймиз. Ўзимиз ҳам хали ёшимиз, бу фикрларимиз кимгадир эриш туюлса, олдиндан узр сўраймиз. Мана шу биргина мурожаатимиз билан дугонамизнинг бахти очилиб кетса, хурсанд бўлардик. **Вазира 29 ёшда**. Моҳир тикувчи, ҳаёли, иболи қиз. У билан турмуш қуриб, фаровон ҳаёт кечиришни истовчи йигит бўлса, овоз берсин.

НОЗИМА, НОДИРА, ЛОЛА,
Наманган вилояти.

ЁШИМ КАТТА ЭМАС-КУ!

Тахририятга бориб, сизлар билан юзма-юз кўришиб, гаплашиб олишни жуда истайман. Аммо, нима қилай, оёғим оғрийди, узоққа юролмайман. Шунинг учун мактуб орқали бўлса-да, дил сўзларимни баён этишни маъқул кўрдим.

Назминисо билан узоқ йиллар бирга яшадик. Тақдирнинг пасту баланд йўллари билан елкама елка бўлиб ўтдик. Меҳрибон, оилапарвар аёл эди. Ёши эллиқдан ошганида оғир дардга чалиниб, вафот этди. Ҳозир уч қизим ҳам оилали. Набираларим ҳам катта бўлиб қолишди. Навбат билан келиб ҳолимдан хабар олиб туришади. Назминисонинг маъракалари ўтганидан кейин қизларим ўзаро маслаҳатлашиб, мени уйлантириш ниятида эканини айтишганида, қаршилик қилгандим. Энди эса кексайганим сайин ёлғизлик азоби қийнапти. Яқинда катта қизимни қақриб, бу масалада гаплашиб олдим. Шундан кейин бир нечта жойларга совчиликка боришди. Аммо ёшим катта бўлгани учун рад жавоби билан қайтишди. Умид билан сизларга мурожаат этялман. **Ёшим 68 да**. Уй-жойларим етарли. Меҳрибон, самимий аёл учраса, илтимос, хабар қилинг.

САДРИДДИН ота,
Тошкент шаҳри.

ЭНДИ ЭРТАНИ ЎЙЛАШ КЕРАК

Тахририятимизга кириб келган аёл салом-алиқдан кейин аста сўз бошлади:

— **Исмин Гулнора. Ёшим 45 да**. Асли самарқандликман. Турмуш ўртоғим билан ажрашганимдан кейин анчагача ўзимга келолмай юрдим. Биласиз, қишлоқ кичкина бўлгани учун кунора гоҳ эрим ёки қайнонамни кўриб қолсам, аламдан йиғлаб юборарардим. Чунки икки фарзандим отасиз қолгани учун ўзимни айбдордек ҳис қилардим. Аслида оилам бузилиб кетмасин дея эримнинг хиёнатига ҳам, арзимаган баҳоналарни деб қўл кўтараверишига ҳам ҳатто, ишққаслигига ҳам чидаб яшадим. Аммо тақдир экан-да, ажрашиб кетдик...

Маيلي, ҳозир ўтмишни ҳақида кўп гапирмоқчи эмасман. Болаларим билан Тошкентга келиб, ижара уйда яшай бошладим. Аввалига жуда қийналдим. Ҳозир топиш-тутишим ёмон эмас. Лекин оилам тўқис эмаслигидан эзилман. Устига-устак ижарада яшаш ҳам осон эмас экан. Фарзандларимга меҳрибон, оталик қила оладиган, менга гамхўр умр йўлдош учраса, яна оила курсам, деган ниятда сизларга мурожаат қилаяпман.

ЙЎЛКИРА
КЕТАДИ-ДА...

— Алло, бу тахририятми?
— **Худди шундай, марҳамат, ўзингизни таништиринг.**

— Тошкентдан кўнгирак қилаяпман. Муқаддас опангизман. Нима десам экан, гапнинг очиги, ўғлимни уйлантириш ниятида келин излаб юргандим. Яқинда бир кўшим "Оила ва жамият" газетасида "Бахтли бўлинг" деган саҳифа бор, шуларнинг кўмағида кўпчилик жуфт-тини топиб кетяпти", деганди. Шундан кейин газетанинг бир нечта сонини топиб ўқидим. Бизга маъқул келадиган қизлар ҳақидаги эълонларга кўзим тушди.

— **Ўғлингиз неча ёшда? Аввал уйланганми?**

— Ҳа, уйланиб ажрашган, бу йил 33 ёшга кирди.

— **Газетамизнинг "Бахтли бўлинг" рункида бу бўлимга аъзо бўлиш учун керакли ҳужжатлар рўйхати берилган. Барчасини тўллаб, олиб келинг. Сўнг сиз сўраган қизларнинг телефон рақамини берамиз.**

— Эҳ-ҳе, шунча қоғозлар шартми?

— **Албатта, ахир бу ерда инсон тақдирини турибди-ку!**

— Йўлкира сарфлаб борганимга яраша, ўша қизлардан бирортаси менга келин бўлишга арзирмикин?

— **Келиб, кўриб, танишмай туриб, "Оила" бўлимига мурожаат этган қизлар ҳақида бундай фикрларни айтмасангиз бўларди. Агар ниятингиз жиддий ва аниқ бўлмаса, яхшиси, келмай кўя қолганингиз ҳам маъқул.**

КЎНГЛИ ВА ҚЎЛИ ОЧИҚ

Муҳаббат опа билан бир мактабда, кейинчалик институтда ҳам бирга ўқидик. Яқин дугона эмас, опа-сингилдек бўлиб кетганимиз. У мендан уч ёш катта. Оилавий борди-келди қиламиз. Ўтган йили турмушга чиқдим. Ҳозир ширингина ўғилчам бор. Эшитишимча, Муҳаббат опамга келадиган совчилар унинг кўзи нури паст эканлигини эшитишгач, айнаиб кетишаётган эмиш. Ахир бундай дарди учун инсоннинг ўзи айбдор эмас-ку, тўғрими? Яқинда ота-онамни кўргани борганимда опам билан учрашиш учун уларни кўра қилдим. Қасига олиб йўқ экан. Онаси Нафиса хола: "Билмасам, қизимнинг бахти очилмапти", дея кўп куяндилар. Шундан кейин сизларга мурожаат қилиш ҳақида ўйлаб қолдим. Нафиса холамга бу ҳақда айтганим: "Ўзинг гаплашиб кўр, кейин жавобини айтурсан", дедилар. Муҳаббат опа бу йил **30 ёшга кирди**. Ақлли, ишибилармон, кўнгли ва қўли очик. Ўзига ўхшаган бирор арзимас нуқсон бор йигит учраса, манзилимизни берсангизлар.

СОҲИБА,
Сирдарё вилояти.

ҚАЙНОНА — ОНА БЎЛА ОЛАДИ(МИ?)!

Ўзбекона тамойилда оила муқаддас саналади. Бинобарин, унинг масъулияти ҳам ўзига хос залворли. Таассуфки, баъзан ёшлар қолиб ҳатто кўпни кўрган, ҳаётнинг ачиқ-чўчугини татиган катталар ҳам бу муқаддас неъматнинг масъулиятини ҳис қилмайдилар. Ушбу жавобгарликни фақат ҳис қилиш билангина иш битмайди, албатта, уни бажариш ҳам даркор. Айниқса, эндигина турмуш остонасига қадам қўйган ёшларга бу даргоҳнинг сир-синоатларини аниқлаш, айрим қийинчиликларга сабр-қаноат билан ёндашишни ўқитиш, ота-оналарнинг вазифаси.

Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, кўпни кўрган, оила илмининг нуқтадонлари ҳисобланган айрим қайноналаримизда келинга хизматкордек муносабатда бўлиш, унинг ҳар қадами, хатти-ҳаракатидан айб излайвериш каби иллатга айланган одатлар мавжуд. Оқибатда икки ёшнинг муносабатларига дарз кетади, куда-андалар орасига совуқчилик тушади.

Қайнона-келин муносабатларида фақат бир томонни айбдор қилиб бўлмайди. Зеро, элимизда: "Қарс — икки кўлдан чиқади", деган нақл бор. Жумладан, ёш келинчақ ҳам баъзида билиб-билмай ҳато қилар, янги тушган хонадондаги муҳит, ҳар хил феъл-атворли инсонларнинг ўзига қадалган нигоҳларидан ҳаяжонланар, баъзан пиширган овқати ўхшамас,

баъзида бирор бир юмушни тўқис адо этолмас, аммо оқила қайнона келинининг арзиманган камчиликларидан фожеа ясамайди.

Ёш оиланинг тақдири кўп ҳолларда қайнонага боғлиқ бўлади. У келин-



ни ўз фарзандидек кўриб, бажарган юмушларининг яхшисини ошириб, ёмонини яшириб, хонадонига сингиб кетишида ёрдам беради.

Айрим қайноналар талаба қизни келин қиладилар-да, сўнг уларнинг вақти, жисмоний ва руҳий имконияти билан ҳисоблашмай, келинчақларини укувсизлик ва дангасалиқда айблаб юрадидилар. Шогирдларим орасида шундай ҳолатлардан азият чеккан талаба қизлар ҳам бўларди бир маҳаллар. Уларнинг изтиробларини тингласам, юрагимга оғриқ инарди. Ёш бўлишига қарамай, оиласини сақлаб қолишга, қайнонасининг кўнглини топиб, борган жойида тиниб-тин-

Ҳаёт ҳақиқатлари

чиб кетишга астойдил ҳаракат қилган бўлса-да, оилавий можаро, кўйди-чикдилардан оғриниб юрган талаба-келинларимнинг ҳолатини кўриб қайноналаридан хафа бўлиб кетаман. Ҳатто айрим ҳолларда қайноналар келинларига ҳомиладор ҳолида ҳам зуғум қилиши ва бунинг оқибатида келинчақлар она бўлишдек масъулиятли пайтларда асабийлашиш натижасида ҳар хил касалликларга чалинишлари эҳтимоли юқори бўлади.

Келинни тинмай айблаш, қиз дунёга келтириб, ўстириб, тарбиялаб, ҳатто олий маълумотли қилиб узатган ота-оналарнинг кўнглини вайрон қилиш яхшиликдан дарак бермайди. Келинчақка тушган хонадони ва бу оила аъзолари, турмуш ўртоғи, қайнона-қайнонаси, қайнсингиллариға меҳр қўйишига ёрдам бериш биринчи навбатда қайнонанинг вазифаси. Айрим аёллар ўзлари келинчақни камситиб, "ўтирса ўпок, турса сўпок" қилгани етмагандай, ҳатто уйдаги ёш қизчалар — қайнсингилларга ҳам келинни хўрлатиб қўйишлари ҳеч қандай қуюшконга сизмайди. Бугун қайнсингиллик мақомидаги қиз эртанги келин демакди.

Бу борада йигитлар — куёвлардан ҳам ўзига хос масъулият талаб қилинади. Жуфти ва ақинлари орасида тарози палласини тенг қўйиб, муносабатлар мувозанатини тутиб тура олган йигит ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлади. Бунинг учун, аввало, у маънавиятли, инсоний фазилатлар билан зийнатланган бўлмоғи даркор.

Ойша ТЎРАЕВА,
профессор.



СПОРТ...СПОРТ...СПОРТ... ЧОРАК ФИНАЛЧИЛАР НОМИ МАЪЛУМ

Австралияда «Осиё кубоги-2015» мусобақаси давом этмоқда. Кеча гуруҳ босқич ўйинлари якунига етди.

Жанубий Корея, Австралия, Хитой, Ўзбекистон, Эрон, БАА, Япония ҳамда Ироқ терма жамоалари чорак финалга йўл олишди.

Хабарингиз бор, кейинги босқичда терма жамоамиз Жанубий Корея термаси билан ярим финал йўлланмаси учун беллашади.

Ўйин эртага бўлиб ўтади. Футболчиларимизга омад тилаймиз.

ВОЗНЯЦКИ АЗАРЕНКОГА ҚАРШИ

Австралия аҳолиси учун шу кунларда спорт байрами давом этмоқда.

Футбол бўйича «Осиё кубоги-2015»дан ташқари Мельбурн шаҳрида теннис бўйича Катта дубулга туркумига кирувчи йирик мусобақанинг биринчи давра баҳслари якунланмоқда.

Қуръа жадвалига назар ташлайдиган бўлсак, эндиликда Азаренко жаҳон тасниф жадвалида саккизинчи ўринда келаётган даниялик Каролин Возняцки билан баҳс олиб боради. Ҳеч қандай шубҳа йўқки, мана шу ўйин иккинчи давранинг марказий учрашуви бўлади.

Ўз навбатида даниялик ракетка устаси биринчи даврада америкалик Тэйлор Туансендни 7:6 ва 6:2 ҳисобларида мағлубиятга учратгани.

ОЛИЙ ЛИГАМИЗ 82-ЎРИНДА

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) аънавий равишда, 2014 йилнинг энг кучли чемпионатлари рейтингини эълон қилди.

Унга кўра, Ўзбекистон Олий лигаси 82-ўринда қайд этилган. Айтиш керакки, чемпионатимиз ўтган йилги рейтингда 69-ўринда қайд этилган эди. Бу борада чемпионатимиз Осиёда Жанубий Корея (23) Саудия Арабистони (29) Кувейт (48) БАА (50) Хитой (56) Қатар (57) Эрон (61), Австралия (62) миллий чемпионатларидан сўнг тўққизинчи ўринда қайд этилган.

Жадвални эса Испания чемпионати бошқариб бормоқда. Ла лига бу номга бешинчи бор сазовор бўлган. Италия А серияси эса тўртинчи ўридан иккинчи ўринга кўтарилиб олган. Ундан кейинги ўринда эса Англия премьер лигаси бормоқда.

Интернет манбалари асосида
Илхом ЖУМАНОВ тайёрлади.

ЛИЗИНГ: АЙРИМ ШАРТЛАР ВА МАЖБУРИЯТЛАР

Лизинг нима дегани? Лизинг олувчи жисмоний шахс бўлиши мумкинми? Лизингга олинган техникани лизинг мuddати тугамасдан олдин ҳам мулк қилиб олиш мумкинми?

К. Одилов.
Тошкент вилояти.

Лизинг — бу молиявий ижаранинг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тараф (лизинг олувчи)нинг топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашланган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб олади ва уни лизинг олувчига шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун ўн икки ойдан ортиқ мuddатга беради.

Ўзбекистон Республикасининг "Лизинг тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, жисмоний шахслар юридик шахс ташкил қилгани ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланса, у ҳолда ўзлари ташкил этган ана шу юридик шахс номидан лизинг олувчи бўлишлари мумкин.

Агар лизинг шартномасида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, лизинг тўловлари лизинг олувчининг ўз хоҳишига кўра шартномада кўрсатилган мuddатлардан аввал тўланган тақдирда, мулк ҳуқуқи лизинг олувчига ўтказилади.

Шунингдек, мазкур қонуннинг 15-моддасига мувофиқ, лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи лизинг олувчи томонидан сотиб олинганга қадар лизинг берувчига тегишлидир.

Саволга Ўзбекистон Республикаси Божхона кўмитаси хузуридаги Олий ҳарбий божхона институти II-курс тингловчиси Жаҳонгир РАЖАБОВ жавоб берди.

УЙ СОТИЛАЁТГАНДА...

Ўзига тегишли бўлган уйни сотмоқчи бўлганида уй эгаси бу ерда доимий рўйхатда турувчи вояга етмаганларнинг ҳам розилигини олиши керакми?

Х. Ашурова.

Бундай ҳолатда ўша уйда доимий рўйхатда турувчи вояга етмаган шахсларнинг розилигини олиш шарт эмас. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 24-моддасига асосан: эрчмас мулк никоҳ даврида олиниб, эр ёки хотиннинг бири номига расмийлаштирилган бўлса, турмуш ўртоғининг нотариал тасдиқланган розилиги олинади. Лекин хусусийлаштирилган уй-жойнинг олди-сотди шартномаси тасдиқланаётганда уй эгасининг биргалиқда яшовчи вояга етган оила аъзоларининг нотариал тасдиқланган розилиги олинади.

Мабодо вояга етмаганларнинг ота-онаси бўлмаган тақдирда уларнинг манфаатлари ва сийлик ва ҳомийлик идоралари томонидан ҳимоя қилиниши қонунда белгилаб қўйилган.

Саволга Миробод туманидаги 6-сонли ДНИ нотариуси Хурमतой НАВРЎЗОВА жавоб берди.



Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Болалар ва оялаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом аялдоқ учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Умида АДIZОВА
Саҳифаловчи — Илхом ЖУМАНОВ
Мусаҳҳихлар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темури кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 136. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 7207. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 233-04-35, 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 8 4 5